



дик. Қишлоқ жойлашган жойнинг мутоқ баландлиги 728 метр бўлиб қишлоқда 300 хўжалик яшайди. Рельеф тўлқинсимон тоғ олди текислигидан иборат бўлиб, проловиял, делновиял ётқизиклар билан қопланган. Қишлоқнинг шарқий томонидан кичик сой кесиб ўтади ва ундан қиш ва баҳор ойлари сув оқади. Қишлоқнинг шимолга қараган томонида Ғўбдин тоғи бошланади. Тоғ ёнбағри қуруқ сойликлар, жилгалар билан парчаланган бўлиб, кристалл сланецлар ер юзига чиқиб етади ва уларнинг усти тош аралаш юпқа делновиял кумок жинслар билан қопланган. Қир тепалари ва қир ёнбағирларида кристалл сланецлар очилиб қолган, баъзан улар тик қояли рельеф шакллари ҳосил қилади.

Қишлоқ аҳолиси қудуқдан сув ичади. Қудуқларда сув сатҳининг ер юзасидан чуқурлиги 7-8, баъзи жойларда 5-6, тоққа яқин баландлик жойларида 10-15 метрни ташкил қилади. Доимо оқадиган ер усти суви йўқлигидан қишлоқда мевали дарахтлар кам. Қишлоқ аҳолиси асосан чорвачилик билан шуғулланади.

Тажриба участкаси сифатида қишлоқдан турли узоқликда учта нукта танладик ва ушбу нукталар узунлиги 2,0 метр, бўйи 1,5 метрлик сим панжара билан ўралди. Сим панжарали жойга қўй, эчки ёки қорамоллар қириш олмайди ва улар ичидаги ўсимликлар эркин ривожланади. Бу сим панжарали тўсикларни ўрнатилган мақсад очик яйловдаги ва муҳофазали яйловдаги ўсимликларни таққослаш ҳисобланади. Сим панжарали тўсиклар 2011 йилнинг феврал ойида ўрнатилди ва биринчи йили баҳорда, ёзда ва кўзда ўсимликлар сон, тури, ўсиши ёзиб борилди. 2011 йил кўзда фитомасса ўлчаб кўрилди.

Ушбу тажриба 2012 йилда ҳам давом эттирилди ва 2012 йилда қишлоқ яқинидаги биринчи тажриба участкаси ёнида яна битта сим панжара ўрнатилиб ва унинг ичига икки дона арча, икки дона бодом ва икки дона акация ниҳоллари экилди. Бу қуруқ иқлим шароитига чидамли дарахт ва бута турларини экишдан мақсад табиий шароитда улар ўсадиими, йўқми синая кўришдир.

Қишлоқ атрофларида яйловларнинг деградацияси туфайли ёнбағирларда тупроқ ювилиши кучайиб бормоқда. Бу айниқса жала ёғинлар пайтида яққол билинади. Биз ёнбағирлардан тупроқларнинг ювилиш микдорини аниқлаш мақсадида ариқча кўринишидаги махсус мосламани ўрнатдик. Бу ариқчага юқоридан келиб тушадиган тупроқ ва тошчаларнинг микдори ўлчаб борилади. Худди шундай ариқча мослама мол кам боқиладиган бошқа ёнбағирга ҳам ўрнатилиб, унда ҳам ювилган материаллар микдори ўлчаб турилади. Олинган натижалар таққосланади ва яйлов интенсив фойдаланилаётган ёнбағир ва кам фойдаланилаётган ёнбағирларда тупроқлар ювилиши таққослаш усулида кузатилиб борилади.

Эшмонтўп қишлоғи атрофида танланган таъин тажриба участка деградация кучли рўй бераётган бошқа яйловлар учун андоза (эталон) вазифасини бажаради. Биз тажриба участкасидан олган натижалар асосида чўлланниш

жараёнини қишлоқ атрофларида қандай жадалликда бораётганини кўрсатиб берамиз ва ушбу маълумотлар Ғўбдин тоғи бўйича чўлланниш жараёнини кўрсатувчи карта тузишда асос вазифасини бажаради.

УЎК 58:551.57

Ғўбдин тоғида яйловларнинг қашшоқланиши ва рўй бераётган табиий жараёнлар

Раҳматуллаев А., Эрганасов Н., Наимов О.
Самарқанд давлат университети
Адилова О.
Жиззах давлат педагогика институту

Ғўбдин тоғи Жанубий Нурота тоғ тизмасининг энг шарқий қисмида жойлашган бўлиб у шарқда Санғзор водийси орқали Чумқор тоғидан, гарбида эса Қуруқсой орқали Қорачатоғдан ажралиб туради. Тоғнинг шимолий ёнбағри Ғаллаорол ботиғи билан, жануб томони эса Зарафшон водийси билан чегарадош. Ғўбдин тоғи шарқдан ғарбга чўзилган бўлиб ўртача мутоқ баландлиги 1250-1400м, энг баланд нуктаси 1620 м. Тоғнинг кўндаланг кесмаси асиметрик кўринишга эга. Унинг шимолий ёнбағри қиска ва тик жанубий ёнбағри эса анча кия ва нисбатан узун. Ёнбағирларнинг бундай тузилиши уларнинг табиатига сезиларли таъсир кўрсатади. Шимолий ёнбағрида сойлар қиска, лекин булоқлар кўп. Жанубий ён бағрида эса сойлар узун, лекин айрим йирик сойлардан бошқалари ёзда қуриб қолади. Тоғнинг тоғ олди текисликларида типик бўз тупроқлар тарқалган. Уларнинг қалинлиги, механик таркиби ҳамда гумус микдори жой рельефига, ётқизиклар турига боғлиқ. Одатда, тоғнинг шимолий ёнбағрида нисбатан қалин типик бўз тупроқлар тарқалган. Шу баландликларда жанубий ёнбағрида эса тошлоқ юпқа бўз тупроқлар ривожланган. Юқорига кўтарилиб борган сари (1200- 1300 метр) типик бўз тупроқлар тўқ бўз тупроқлар билан алмашинади. Жанубий ёнбағрида типик бўз тупроқлар қирларнинг усти билан 1500 метрга қадар кўтарилиб боради. Кейин эса юпқа тошлоқ тўқ бўз тупроқлар билан алмашинади. Шимолга қараган ёнбағирларнинг соя қисмларида қалин эфемероидли-эфемерли-шувоқ, эфемероидли-эфемерли-қўзқулоқ ўт коплами тағида тўқ бўз тупроқлар кенг тарқалган.

Тоғнинг энг баланд қисмларида шимолий ёнбағирларнинг сойлар бошланадиган соя жойларида тўқ бўз тупроқлар карбонатли юпқа тоғ жигарранг тупроқлари билан алмашинади. Лекин бу тупроқлар узлиқсиз

тасмасимон чузилмаган, улар узилган – узилган ҳолда сувайргич чўккининг шимолга қараган ёнбағирларида учрайди, ҳолос.

Ўсимликларнинг тарқалиши ҳам ёнбағирлар экспозициясига, баландиликка қараб ўзгариб боради. Тоғ олди текисликлари эфемер – эфемерондди-қўзиқулок, эфемер–эфемерондди-шувок ўсимликлари гуруҳидан тарқиб тошган. Эфемер ва эфемерондлардан нисмон баргли афинафлаура, сантолик бўймадарони, лола кизгалдок, кокиўт, қўнғирбош, қорабош кенг тарқалган. Қўзиқулок кишлоқлар атрофларини ёппасига қоплаб олган. Бунинг сабаби шундаки қўзиқулокни яшил пайти чорва моллари емайди, лекин у қуврагандан кейин молларга озука ҳисобланади. Қўзиқулок очик, тошлок, қурук кир тепаларида яхши ўсади. Одатда қузиқулок озгина майда тошлок жинслар билан қопланган ёнбағирларни хуш тўради. Соёлик ўртасидаги ботиклар тағида жуда қалин ўсади.

Тоғларнинг 1300–1400 метр баландиликларида ҳам эфемерондлар асосий эдификатор ҳолда қолади. Фақат бу баландиликда қўзиқулоқа нисбатан камайиб, унинг ўрнини тоғ шувоқи эгаллайди. Шувок билан бирга тугмачагул, ингичка барглик зуптурум, қаррак, жунгория ситирқуйрути, отқулок, кенг тарқалган.

Қир тепаларида очик ёнбағирларда тиканли астрагал кўп учрайди. Уни ҳам яшил пайти моллар емайди, кишда нам тушиб қуврагач қўй, эчкилар учун яхши озука ҳисобланади. Тоғда кишлоқлардан узок, хилват жойларда бута ва дарахтлардан бодомча, қорабодом, учкат, дўлана, ёввойи олча, соёларда наматак учрайди. Ҳази кекса кишиларнинг маълумотлари бўйича Ғўбдин тоғининг энг баланд ва борини кийин бўлган жойларида, тош қоялар орасида арча сақланиб қолган. Албатта, инсон таъсири кучли булмаган вақтларда Ғўбдин тоғининг ёнбағирларида дарахт ва буталар қалин ўсган, арча ҳам тоғ тепаларини қоплаган. Бунинг исботи сифатида Октоғ тизмасидаги арчаларни кўрсатиш мумкин. {1} Октоғ тизмаси Ғўбдинтоғига нисбатан Қизилқумга анча яқин жойлашган ва ёгин микдори 100 мм кам тушади. Октоғда арча ўсиб турган жой баландлиги 1350–1450 м,ни ташкил қилади. Демак Ғўбдин тоғида арча ва бошқа дарахт ва буталарнинг йуқлиги бевосита инсон таъсири билан боғлиқ.

Инсон фаолияти нафақат дарахт ва буталарнинг қирқиб юборилишига, балки ўт қопламанинг сийраклашишига, уларнинг тур жиҳатидан ўзгаришига, ҳам таъсир қурсатмоқда. Бунга Ғўбдин тоғининг шарқий қисмида жойлашган Эшмонтўп кишлоғи атрофларидаги ўсимликларнинг ўзгаришини мисол сифатида қурсатиш мумкин. Кишлоқ тоғнинг жанубий ёнбағрида жойлашган бўлиб унда 200 оила яшайди. Кишлоқда 2500 қўй эчки ва 800 бош қорамол бор. Бу чорва моллари йил давомида кишлоқ атрофида боқилади. Доимо мол боқиб туфайли кишлоқ яқинида

бир километр радиусда кир ёнбағирлари қалин моллар изи билан қопланган, кишлоқдан узоклашган сари моллар юришидан ҳосил бўлган излар (йўлақлар) камайиб боради. Майса ўтлар кўқариб чиқиши билан қўй, эчкилар уларни қирқиб еб тугатади, шу туфайли кўқариб турган пайти моллар емайдиган ўсимлик турлари қолган. Шулардан бири Регель қузиқулогидир. Бу кўпйиллик ўсимлик кир ёнбағирларини қоплаб олган. Қўзиқулок ҳам жуда зич ўсмаган. Биз 15 м² жойдан ўртача 5–6 дона қўзиқулок ўсишини аниқладик. Қўзиқулок гуллаб, қузда қуврагандан кейин унинг аччиги камаяди ва қорамоллар ҳам, қўй эчкилар ҳам ейди. Бошқа озука ўсимликлар йуқлигидан маҳаллий аҳоли қузиқулокни ҳам қишга ем-хашак сифатида ўриб олади.

Маҳаллий аҳоли маълумотлари бўйича бундан 30–40 йил илгари Эшмонтўп кишлоғи атрофларида шувок кўп ўсган. Шувок қўзиқулоққа нисбатан кенг тарқалган бўлган. Шувокни ҳам яшил пайтда моллар деярили емайди, лекин у қувраб чўнга айланганидан кейин қуз-киш ва эрта баҳорда қўй эчкилар учун энг яхши тўйимли озука ҳисобланади. Шувокнинг кишлоқ атрофларида йуқолиб кетишига сабаб уни маҳаллий аҳоли ўтин учун тайёрлаш ҳисобланади. Шувокни тандирга ёқиб учун уни томири билан қирқиб олади, чунки унинг бақувват томирлари, шохчаларига нисбатан ҳам кўп иссиқлик беради. Шувокнинг кишлоқ атрофларида кенг тарқалганлигининг яна бир исботи шундаки, ҳозир ҳам Ғўбдин тоғининг ёнбағирларида кишлоқдан 6–8 километр узокликда шувок қалин ўсади. Демак, кишлоқлар атрофларида шувокларнинг йуқолиши ва қўзиқулокнинг кўпайиши бевосита инсон фаолиятининг таъсири билан боғлиқ.

Ўсимлик қопламига инсон таъсирининг яна бир кўриниши кишлоқлар атрофларидаги тошларнинг қурулиш материаллари учун қовлаб олинаётгани ҳисобланади. Эшмонтўп кишлоғини атрофида ўнлаб жойлардан тош қовлаб олинган. Тошларни ташиш учун юк машиналари, прицепли тракторлар ёнбағирлардан юриб табиий ўт қопламани босиб, пайхон қилиб ёмғир ва қор сувларини оқиши учун йулақлар ҳосил қилади, тупроқларнинг янада кўпроқ ювилиши учун шароит яратади.

Инсон хужалик фаолияти таъсирида яйловларда табиий ўт қопламанинг ёмонлашуви, уларнинг тур ва сон жиҳатидан камайиши, дарахт ва буталарнинг қирқиб юборилиши, тошларнинг қовлаб олиниши тоғларда тупроқларнинг ювилишини кучайтирмоқда, ёнбағирларнинг шамол эрозиясига, сув эрозиясига чидамлилигини камайтирмоқда, натижада булоқлар суви камаймоқда, соёлар қуриб қолмоқда. Жала ёгинларидан эса сел ҳодисаси кучаймоқда; инсон таъсирининг жадалашуви тобора чўллашиш жараёнининг янада фаоллашувига олиб келмоқда.

Фармонов Т., Шеров Ж., Раббимов Ф., Абдурахмонов М. Жиззах вилояти қорақўлчилигининг ҳозирги ҳолати ва уни ривожлантириш истиқболлари	197
Шамекенова Р. Д., Укбаев Х. И. Живая масса у ягнят атырауской смушково – мясо сальной породы в зависимости от разных типов спаривания	201
Шамекенова Р. Д., Укбаев Х. И. Длина и ширина завитка у ягнят атырауской породы смушково-мясо – сальной породы в зависимости от разных типов спаривания	204
Йўлдошев Н. Э. Микроэлементлар билан бойтилган антгельминт – туз аралашманинг қўйлар гематологик кўрсаткичларига таъсири	206
Элмуродов Б. А., Шералиева И., Наврузов Н. Республика қорақўл қўйлариди қўп учрайдиган ёш ҳайвонлар касалликларини аниқлаш, даволаш ва олдини олиш чоралари	209
Юсупов С., Базаров С. Конституция и продуктивность каракульских овец	211
Юсупов С. Ю., Газиев А., Болтаев А. Ж., Маматов Б. С., Хакимов У. Н. Қизилқум шароитида экспортбор сур терилар етиштириш тажрибаси	217
Юсупов С. Ю., Газиев А., Болтаев А. Ж., Маматов Б. С., Хакимов У. Н. Хар хил завод типиди насли сур қўчқорлар авлодининг жуи қоплами хусусиятлари	221
Юсупов С. Ю., Газиев А., Болтаев А. Ж., Маматов Б. С., Хакимов У. Н. Экспортбор сур қорақўл терилар етиштиришни қўпайтиришда янги завод типларининг аҳамияти	224

2-секция. Арид озука етиштириш секцияси. Яйловлар маҳсулдорлигини ошириш ва яйловлар экологиясини яхшилашда истиқболли фитомелиорантлардан ва чўл озукабоп ўсимликларнинг юқори маҳсулдор навларидан фойдаланиш

Абдулқосимов А. А., Аббосов С. Б., Ахмедов Ш. М. Қизилқумнинг арид геосистемаларида вужудга келган экологик вазиятларни оптималлаштириш геосистемаларини фитомелиорациялашнинг географик асослари	230
Абдулқосимов А., Мустафоқулова Г. Жауубий-гарбий Қизилқумнинг қумли геосистемаларини фитомелиорациялашнинг географик асослари	233
Абдраимов С. А., Еспапов А. М., Шектибай Е. К. Создание генетических ресурсов кормовых культур	236
Алибеков Л. А., Алибекова С. Л., Назаров Х. Т., Эшқувватов Б. Б. Ўрта осие тоғлари ўсимлик қопламига инсон хўжалик фаолияти таъсири ва унинг экологик оқибатлари	240
Бекчанов Б., Қадирбаева Г., Танирбергенов Қ. Ж. Озуқабоп галофит турларининг хўжалиқбоп хусусиятлари	245
Батиров Х. Ф., Абдумуминова Р. Н. Оценка кормовых культур для зимней вегетации	249

Батиров Х. Ф., Кирийгитова Х. Х. Кормовые севообороты в самаркандской области	252
Ботиров Х. Ф., Умаров С. Р. Сугориладиган ерларда озика етиштириш муаммолари	254
Батиров Х. Ф., Бектемиров В. М. И корм и семена в один год	257
Бешко Н. Ю., Муқимов Т. Х. Современное состояние пустынных и предгорных пастбищ Фаршского района	259
Гозиев Т., Халманов А. Т., Суванов А., Тошқуатов Н. Стабильное управление использования токсичных загрязнителей в Центральной Азии: региональная модель экосистем в целях экологической безопасности	267
Джумабаева Н. Дехкон хўжалиқларида чорвачилик тармоғини ривожлантиришни рағбатлантириш	271
Назаров Х. Т., Аббосов С. Б., Самъев А. Қ., Эшқувватов Б. Яйловларда экологик мувозанатни бузилиш сабаблари	274
Назаров Х. Т., Алибеков Л., Давронов К., Мустафоқулова Г. Тоғ олди яйловларини ўзлаштириш тадбирлари	277
Назаров Х. Т., Рашиданов А., Маммажонов Р., Холмиратиев Ж. Ўзбекистон тоғолди шароитида чўл яйлов озукабоп ўсимликлар турларини қиёсий баҳолаш	280
Назаров Х. Т., Семъев А. Қ., Эшқувватов Б., Норматов Д. Тоғ олди яйловларини экологик ҳолатини оптималлаштириш йўллари	283
Махмудов М. М. Научно – методические основы организации экологического мониторинга пастбищ Кызылкум	286
Махмудов М. М., Синдоров Қ. Чўл минтақалари мухитида истиқболли озукабоп ўсимликлар турли ҳаётини шакллари агрофитоценозлари ривожининг дастлабки натижалари	292
Муқимов Т. Х., Синдоров Қ., Бобоева А., Холмуродов Ш. Инкирозга учраган яйловлар маҳсулдорлигини ошириш имкониятлари	295
Матвафаева М. Ўзбекистон қумли чўлларининг ем-хашак ўсимликлари	297
Ортиқова Л. С., Махмудов М. М., Бекчанов Б. Қизилқумнинг шўрланган тушроқларида парвариланадиган озукабоп галофитларнинг сув режими хусусиятлари	301
Раббимов А., Мардиева Б. С. Нурута адирлари шароитида Хуросон эспарцетининг (<i>Onobrychis chorossanika</i> Vge) сув бутлатиш интенсиялиги	305
Раббимов А., Муқимов Т. Интенсификация кормопроизводства в пустыне – главный путь модернизации пустынно – пастбищного животноводства	308
Раббимов А., Шеров Ж., Абдурахмонов М. Қорақўлчиликда чўл яйловларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг асосий йўллари	315
Раҳматуллаев А., Носиров М. Г., Адилова О. Ғўбдин тоғида ўсимликлар дегрэдациясини таянч тажриба участка ёрдамида ўрганиш	318
Раҳматуллаев А., Эрлапасов Н., Наимов О., Адилова О. Ғўбдин тоғида яйловларини қашшоқланиши ва рўй бераётган табиий жараёнлар	321